

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**4 Республика солиқ органлари тизимини янада модер-  
низация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Қайд этилсинки, мустақиллик йилларида мамлакатда бозор тамойилла-  
рига жавоб берадиган солиқ тизими шаклланди, Ўзбекистон Республикаси-  
нинг янги Солиқ кодекси қабул қилинди, солиқларни бошқаришнинг замо-  
навий методлари ва механизмлари жорий этилди, солиқ органларининг ях-  
лит тизими яратилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда тўпланган ва чет эл тажрибасининг

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.*

танқидий таҳлили республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилишнинг зарурлигидан далолат беради.

Солиқ органларининг функциялари, ваколатлари ва тузилмаси замонавий талабларга жавоб бермайди, улар фискал-молия органлари тузилмасида, энг аввало, солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш, Давлат бюджетининг даромад қисмини барқарор шакллантиришнинг белгиланган топшириқларини бажариш масалаларида ҳали етакчи ўринни эгаллагани йўқ.

Илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ишларни ташкил этишнинг замонавий шакл ва методларидан зарур даражада фойдаланилмаяпти, солиқ қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ахборот-таҳлилий ишлар суств олиб борилмоқда.

Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш ишлари аниқ-пухта мувофиқлаштирилмаяпти, бозорлар ҳудудларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятига турли текширувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашуш ҳолатлари мавжуд. Шу билан бир қаторда, бозорларда солиқ қонунчилигини бузиш, турли йиғимларни ундириш, акциз солиғига тортиладиган товарлар ва контрафакт маҳсулотларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, кишлок хўжалиги маҳсулотларини оширилган нархларда қайта сотиш, олинган нақд тушумни тўлиқ инкассация қилмаслик ҳоллари давом этмоқда.

Мамлакатимизда тўпланган ва чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш, назорат қилувчи органлар функцияларидаги бир-бирини такрорлашларни бартараф этиш, республика фискал-молия органлари тузилмасида солиқ органларининг, энг аввало, қабул қилинган солиқ қонунчилигини ва Давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш бўйича белгиланган топшириқларни бажариш масалаларидаги ваколатларини кенгайтириш ва ролини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифалари ва функциялари этиб белгилансин:

давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ қонунчилигига, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишига, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлатнинг мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ миқдорда тушишини таъминлаш;

солиқлар йиғилишини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, маълумотларнинг ягона компьютер базасини юритиш асосида солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш механизмларини такомиллаштириш, уларга кўрсатилётган ахборот-маслаҳат хизматлари соҳасини кенгайтириш, солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни рўёбга чиқариш;

пул маблағларининг ноқонуний муомалада бўлиши манбаларини барта-  
раф этиш, аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи юридик ва  
жисмоний шахслар томонидан нақд тушумнинг ўз вақтида ва тўлиқ топши-  
рилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш;

хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар фаолия-  
тини рағбатлантириш бўйича қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш,  
уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан таклифлар  
киритиш;

деҳқон бозорлари ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолия-  
тини, улар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини қаттиқ назо-  
рат қилиш ҳамда жиноий ишларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига  
топширган ҳолда уларнинг ҳудудларида аниқланган ҳуқуқ бузилишлари  
бўйича суриштирувлар ўтказиш;

республика назорат қилувчи органларининг хўжалик юритувчи субъект-  
лар фаолиятини текшириш масалалари бўйича ишлари мувофиқлаштирили-  
шини таъминлаш, ушбу ишни амалга оширишда бир-бирини такрорлашга ва  
суистеъмомчиликларга йўл қўймаслик;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ва экспорт-импорт  
операцияларини амалга оширишда қонун ҳужжатларига қатъий риоя этили-  
ши юзасидан таъсирчан назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга оши-  
риш;

солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан  
таъминлаш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан муносабатда бўлиш  
ҳолатларига қатъий равишда барҳам бериш бўйича тизимли иш олиб бориш,  
доимий асосда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаси ошириб  
борилишини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон бозорлари ва савдо  
комплекслари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-  
сида» 2009 йил 30 октябрдаги Р–3296-сон фармойишига мувофиқ ташкил  
этилган Ишчи комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўми-  
таси марказий аппарати тузилмасида Бозорлар ва савдо комплекслари фао-  
лиятини назорат қилиш бош бошқармасини ҳамда унга бўйсунувчи, бошқа-  
рув ходимларининг умумий сони 604 нафар, шу жумладан Бош бошқарма  
ходимлари сони — 14 нафардан иборат бўлган Қорақалпоғистон Республи-  
каси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлимларни ташкил этиш  
тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бош-  
қармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари зиммасига қуйидагилар юклансин:

бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобиль тўхташ жой-  
лари, шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъект-  
лари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида назорат қилиш;

бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ автомобиль  
тўхташ жойларида молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятлар ва  
бошқа ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва барҳам  
бериш;

бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида сифатсиз, қалбакилаштирилган (ясама) ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга қарши курашиш;

бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятдан олинган пул оқимлари ва маблағлар тушуми ҳисобининг тўлиқ юритилишини таъминлаш;

молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида ҳуқуқни бузиш содир этилиши ҳолатлари бўйича терговдан олдинги текширишларни ташкил этиш ва олиб бориш, жиноий ишлар кўзғаш, улар бўйича суриштирув ишларини амалга ошириш, жиноят ишларини терговга тегишлигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириш;

солиқ билан боғлиқ ҳуқуқ бузилишлари натижасида давлатга, юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириш чора-тадбирларини кўриш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси фаолиятининг доимий ва ҳар томонлама мониторингини ҳамда самарадорлиги таҳлил қилинишини таъминласин ва, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига унинг фаолиятини янада такомиллаштиришга қадар таклифлар киритсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқи фақат давлат солиқ хизмати органларига берилади.

Белгилансинки:

давлат солиқ хизмати органлари, кейинчалик Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашини ёки унинг ҳудудий комиссияларини хабардор қилган ҳолда, Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси бошлигининг буйруқлари асосида бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойларида бир марталик йиғимлар топширилишини, ижара тўлови тушуми ва ҳисоби тўлиқ юритилишини, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилишини, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя қилинишини ҳар куни текшириш ҳуқуқига эгадирлар;

бозорлар ва савдо комплексларида санитария норма ва қоидаларига, шунингдек стандартларга, ёнғин хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология хизмати органларига ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматига юкланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар ўз ходимлари ва мутахассисларининг бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солиш бўйича қонун ҳужжатлари талаб-

лари бажарилишини таъминлаш учун давлат солиқ хизмати органлари томонидан ташкил этиладиган гуруҳлар таркибида қатнашишини таъминласинлар.

4. Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ходимларига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари татбиқ этилсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва унинг марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимининг намунавий тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Давлат солиқ бошқармасининг намунавий тузилмаси 4 ва 4а-иловаларга\* мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекциясининг намунавий тузилмаси 5-иловага\* мувофиқ;

давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари бошқарув ходимларининг чекланган сони 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

икки ҳафта муддатда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлимлари жойлаштирилишини ташкил этсин, уларни моддий-техник база ва юқори малакали кадрлар билан таъминласин;

бир ой муддатда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бўлинмаларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига тегишли қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритсин;

бир ой муддатда давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг янги кийим-бош формаси намунасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унинг 2010 йил 1 июлдан бошлаб жорий этилишини назарда тутсин.

7. 2010 йил 1 апрелдан бошлаб давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг лавозим маошларига уларнинг функционал вазифаларини бажариши, билим даражаси, солиқ тўловчилар билан иш олиб бориш бўйича кас-

---

\* 1 — 6-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

бий қобилиятлари ҳар йили тест синовидан ўтказилиши асосида белгиланадиган махсус рағбатлантирувчи устамалар жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси тест синовидан ўтказиш натижалари бўйича берилган тоифаларга қараб лавозим маошларига 10 фоиздан 30 фоизгача миқдорда Махсус рағбатлантирувчи устамаларни қўллаш тартибини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва синовдан ўтказилгандан кейин белгиланган тартибда тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари лавозим маошларига махсус рағбатлантирувчи устамалар тўлаш, шунингдек янги намунадаги кийим-бош формаси қийматини қисман қоплаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 8 январь,  
ПҚ-1257-сон